

<p>Ўзбекистон Республикаси МЧЖ шаклидаги "AUDIT-HISOB MARKAZI" аудиторлик ташкилоти</p>		<p>Республика Узбекистан АО в форме ООО "AUDIT-HISOB MARKAZI"</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг рухсатномасига эга бўлган Аудиторлик ташкилотлари реестрига 07.06.2021 й. кирган</p>		<p>Включён 07.06.2021 г. в реестр аудиторских организаций, имеющих разрешение Министерство Экономики и финансов Респ.Узбекистан</p>

Сана 24.09.2025 й.

Ҳисоботдан фойдаланувчиларга

**"TERMIZ IQTISODIYOT va SERVIS UNIVERSITETI" НТМ нинг
баланс кўрсаткичлари юзасидан
АУДИТОР ХУЛОСАСИ**
(2024 йил 31 декабр санасига тузилган молиявий ҳисоботлар асосида)

1. Кириш қисми. Умумий маълумотлар.

Молиявий таҳлил МЧЖ "AUDIT-HISOB MARKAZI" аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланди. МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 25 декабрда 705-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган бўлиб, аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг реестрига 07.06.2024 й.да киритилган.

Баланс ликвидлиги таҳлили бўйича мазкур хулосани тузишда муассаса нинг 2024 йил 31 декабр санасига тузилган Бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларига асосланган. Кўрсаткичлар тўғрилиги, ишончилиги юзасидан ҳисоботни тайёрлаган мазкур муассаса раҳбарияти жавобгар.

Муассаса реквизитлари: "TERMIZ IQTISODIYOT va SERVIS UNIVERSITETI" НТМ Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, И.Каримов кўчаси, 134-уй, 6-хонадонда жойлашган. СТИР рақами 309 861 576.

2. Таҳлилий қисм: Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари таҳлили.

Муассасанинг молия-хўжалик фаолият рентабеллиги, молиявий леведредж, тўлов қобилияти, айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси, соф капитали, айланма маблағлари молиявий ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил этиш орқали аниқланганда қуйидаги натижаларни кўрсатди:

1) Молиявий натижа, рентабеллик. Муассаса 2024 йилда 590000000,0 минг сўмлик иш ва хизматлар бажарган, йилни 246258780,0 минг сўм соф фойда билан яқунлаган. Соф фойда рентабеллиги 41,7 %.

2) Баланс кўрсаткичлари, валюта қиймати. Муассасанинг баланс валютаси 2024 йил 31 декабр ҳолатида 246795182,1 минг сўмни ташкил этган, жумладан, узоқ муддатли активлар (130-сатр) 174031353,8 минг сўмни, оборот активлари (390-сатр) 72763828,3 минг сўмни, ўз маблағлари манбалари (480-сатр) 246358780,0 минг сўмни, мажбуриятлари (770-сатр) 436402,1 минг сўмни, шундан узоқ муддатли мажбуриятлар (490-сатр) йўқ, жорий мажбуриятлар (600-сатр) 436402,1 минг сўмни ташкил этган.

3) Мажбуриятларнинг активларга нисбати (левередж даражаси) муассасада 31 декабр ҳолатида 0,002 ни ташкил этган. Яъни, шу санада муассасанинг 0,2 фоиз активлари қарз маблағлари ҳисобига, 99,8 фоизи ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилган. Бу мазкур соҳа учун жуда яхши кўрсаткич.

4) Қоплаш коэффициенти (**К пл**) муассасада 2024 йил 31 декабр ҳолатида 166,73 ни ташкил этиб, жорий мажбуриятларни тезда қоплаш имконияти меъёрий кўрсаткич (1,25) дан юқори бўлиб, муассаса тўлов қобилиятига эга.

5) Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (**Кос**) 2024 йил 31 декабр ҳолатида 0,99 ни ташкил этиб, меъёрий кўрсаткич (0,20) дан юқори, яъни ўз айланма маблағлари билан таъминланган.

6) Муассаса соф капитали (ўз маблағлари) 2024 йил 31 декабр ҳолатида 246358780,0 минг сўмни, айланма маблағлари 72763828,3 минг сўмни ташкил этган.

3. Яқуний қисм. Х у л о с а.

"TERMIZ IQTISODIYOT va SERVIS UNIVERSITETI" НТМ 2024 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари кўрсаткичлари бўйича рентабелли, тўлов қобилиятига эга, ўз айланма маблағлари билан таъминланган.

Муассаса 31.12.2024 й. ҳолатида мавжуд бўлган айланма маблағлари миқдори ва таҳлил натижаларига кўра тендер ва танловларда иштирок этиш имконига эга, деб ҳисоблаймиз.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари: -

(аудитор малака сертификати № 05486,09.06.2017 й. берилган)



З.ЭРГАШЕВА